

# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 24 сентябрь, сешанба, №108 (3454).

## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНЛИКЛАРГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ



### БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ ЗАБАРДАСТ НАМОЯНДАСИ

Алмати вилоятининг Наринкўл қишлоғида болалар адабиётининг атоқли намоянаси Бердибек Сўқпақбаевнинг юз йиллик юбилеи шарафига ўрнатилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими ўтди. Тадбирда ҚР Парламенти Сенати раиси Маулен Ашимбаев Президент Қасим-Жумарт Тоқаев табригини ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг табригида Бердибек Сўқпақбаев болалар адабиёти ривожига беқиёс ҳисса қўшган забардаст адиб эканлиги алоҳида таъкидланади. Унинг "Болаликка саёҳат", "Менинг исмиим Қўжа", "Дуэль" каби ўлмас асарлари қозоқ адабиёти хазинасини бойитган. Инсон руҳиятининг нозик қирраларини, қозоқ халқининг ранг-баранг ички дунёсини очиб берган адиб ўз қаҳрамонларининг образларини маҳорат билан яратганки, ўқувчи шу заҳотиёқ унга меҳр қўйган. Унинг ижоди билан қозоғистонликларнинг бир неча авлоди тарбияланган.

– Бердибек Сўқпақбаевнинг бетақдор адабий мероси қозоқ адабиётида ёрқин из қолдирди. Адиб таваллудининг 100 йиллиги ЮНЕСКОнинг унутилмас саналар тақвимида киритилгани, унинг кичик ватанида ҳайкал ўрнатилгани сўз тасвирга юксак ҳурмат-эҳтиромдан далolat беради. Пойтахтимиз марказида ўрнатилган Қўжа исми бола ҳайкали ҳам Бердибек Сўқпақбаев ижодининг халқимиз дунёқарашига беқиёс таъсирини кўрсатган, – дейилади Давлат раҳбарининг мактубида.

Senate.parlam.kz маълумотлари асосида.

## ҚОЗОҒИСТОН ЭЛЧИСИ "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Бейбит Атамқулов "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.



Мукофотни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов топширди.

"Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Бейбит Атамқуловни икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлаш, дўстона қўшничилиги ва стратегик шериклик муносабатларини янги bosқичга кўтариш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни амалий маъно-мазмун ҳамда муҳим ташаббуслар билан бойитиш, устувор йўналишлардаги алоқаларни кенгайтириш ва ҳар томонлама ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси, шунингдек, мамлакатларимиз халқларининг кўп асрлик дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун "Дўстлик" ордени билан тақдирлади", дейилади хабарда.

24.kz маълумотлари асосида.

## МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Қозоғистон қатор давлатлардаги ватандошларимизнинг меҳнат фаолияти масалалари бўйича бирқанча давлатлар билан шартномалар тузишни режалаштирмоқда.



– Қозоғистонлик меҳнат мигрантларининг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Исроил каби давлатлар билан шартномалар тузиш ҳаракатлари давом этмоқда. Улар Қозоғистон фуқароларининг ушбу мамлакатлардаги меҳнат фаолияти масалаларини соzлайди, – деди ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари Асқарбек Ертаев. – Алмати, Шарқий Қозоғистон ва Туркистон вилоятларида қозоғистонликларни хорижий давлатларга сафар олдидан ўқитиш марказлари ташкил этилган. Уларнинг асосий вазифаси хорижда ишга жойлашиш истагида бўлган номзодларнинг тил курсларини ташкил этиш ва касбий малакасини оширишдан иборат.

24.kz маълумотлари асосида.

## БУНЁДКОРЛИКНИНГ ҚИЗҒИН ПАЛЛАСИ



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Туркистон шаҳридаги қурилиш жараёнини назорат қилди.

Жорий йилда ташкил этилганга 6 йил тўлган вилоятимизда янги sanoat корхоналари, маданият ва спорт иншоотлари, таълим масканлари, savdo марказлари, шифохоналар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар барпо этиш, мавжудларини замон талаблари даражасида тубдан янгилаш ишлари изчил давом этмоқда. Бугун қадим ва навқирон Туркистон ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда замонавийлашиб, узокни ўйлаб тузилган режа асосида тараққий этмоқда.

Дархан Сатибалди Туркистон шаҳридаги 5 қаватли уй-жой мажмуаларининг қурилиш майдонида пудратчи ташкилотлар ва масъул раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берди.

Жорий йилда вилоятда жами 114та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Улардан 41та уй, 2820 хонадон давлат бюджет ҳисобидан қурилмоқда. 73та уй, 3611та хонадон хусусий сармоядорлар маблағлари ҳисобидан барпо этилмоқда.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.



## ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Жорий йилда туркистонлик деҳқонлар Хитой пахтасининг "60" навини экдилар. Бу турдаги пахтанинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда тола кўп, чигит кам.

Жетисай туманида пахта теримига биринчилардан бўлиб "Айдар" деҳқон хўжалиги киришди. Бу йил у 14 гектар майдонда «оқ олтин» етиштириб, гектаридан ўртача 50 центнердан ҳосил олишни кўзламоқда. Агар агротехник тадбирлар тўғри бажарилса, мўл ҳосил олиш имконияти юқори.



– Жорий йилда оқар сув ва минерал ўғитлар билан боғлиқ масалалар ижобий ҳал қилинди, шу боис ҳосилдорлик кўнғилдагидек. Илгари "Султан", "Мақтаарал", "Бухоро" навларини экардик. Маҳсулот 20-25 центнерни ташкил этарди, – дейди хўжалик етакчиси Ербўл Айтуганов.

Жорий йилда Жетисай туманидаги 79,3 минг гектар обикор ернинг 40,8 минг гектарида пахта етиштирилди. Вилоятда 200 тоннага яқин пахта териб олинди. Теримга 715та трактор ва 897та трактор-тирма, 232та пахта

тереш машинаси сафарбар этилган.

Ўтган йили 122 минг тонналик пахта хирмонини кўтарган жетисайлик Пахтакорлар бу йил ҳам режани ортиғи билан бажариш ниятида. Боиси, маҳсулот сифатини ошириш ва сувни тежашда самарали технология сифатида эфирф этилган томчилатиб сўғориш усули жорий йилнинг ўтган даврида 2 минг гектарга кўпайтирилди.

24.kz маълумотлари асосида.

## СПОРТ ДАСТУРЛАРИГА САРМОЯ

Спорт мусобақаларига тайёрланиш дастурлари республика спортининг устувор турлари рўйхатига киритилади. Бу ҳақда ҚР Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик sanoat вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди.



ҚР Туризм ва спорт вазирлиги ва Қозоғистон Республикаси Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик sanoat вазирлиги ўртасида спорт мусобақаларига тайёрлик дастурлари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Ушбу ҳамкорликдан кўзланган мақсад ёшлар ўртасида спорт дастурларини кенг тарғиб этиш ва уни Республикада устувор

спорт турлари қаторига киритишдан иборат.

Меморандумда таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва IT-соҳасида инсон капиталини мустаҳкамлаш бўйича қўшма ташаббусларни ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

24.kz маълумотлари асосида.

### • Обуна–2025

#### "ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН" – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадри муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва виждонан адо этмоқда. Ҳаммша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, қамолот сари интилоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бохабар бўлай десангиз, ҳеч иккиланмай суяқли «Жанубий Қозоғистон» рўнамасига ёзлинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойда обуна баҳоси:  
"Қазпошта" ҲЖ орқали –  
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;  
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466





»» Қишлоқ хўжалигида – илғор технологиялар

## ВИЛОЯТИМИЗДА 16 МИНГ ГЕКТАР ЕРДА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



Қозоғистон Республикаси сув захираларини бошқариш тизимини ривожлантиришнинг 2024-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси доирасида жорий йилда вилоятимизда 22 минг гектар ерда сувни тежовчи технология татбиқ қилиш режаланган.

Бугунги кунда янги технология 15591 гектар экин майдонида жорий этилиб, режанинг 69 фоизи бажарилди. Жумладан, 9563 гектарда томчилатиб сугориш, 6028 гектар майдонда эса ёмғирлатиб сугориш технологияси усқуналари ўрнатилди. Соҳадаги ишлар вилоят ҳокими Дархан Сати-

балди раислигида ўтган мажлисда яна бир бор муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Вилоят ҳокими обикор ерлари кўп, пахта етиштириладиган Жетисай, Чордара, Мақтаарал туманлари ҳокимларига сувни тежовчи технологияларни татбиқ қилиш, ҳар бир ҳудудни бир экин турига ихтисослаштириш бўйича режа ишлаб чиқиб, иқтисодий самарадорликни оширишни топширди. Режани бажаришни кечиктираётган туман ҳокимларининг ҳисоботлари тингланиб, ишни жонлантириш юкланди. Ҳоким, шунингдек, деҳқонлар билан тез-тез учрашиб, деҳқон хўжаликларини бириктириш бўйича

тушунтириш ишлари олиб боришни топширди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбари Нурбек Бадирақовнинг таъкидлашича, ҳозир сувни тежовчи технологияларни татбиқ этган ер майдонини 8391 гектарга ошириш кўзланган. Натижада, йил сўнггида обикор майдонлар 23982 гектарни ташкил этади. Чунончи, жорий йилда сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарадиган 3та завод фаолиятини бошлади. Уч лойиҳанинг қиймати – 12,5 млрд. тенге, 85та янги иш ўрни очилган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Истиқболли соҳа ҳоким назоратида

## “TURAN” МАХСУС ИҚТИСОДИЙ МИНТАҚАСИ ИНФРАТУЗИЛМА БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Вилоятимизда янги заводлар очил, корхоналар барпо этиш ва саноатни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилган. Ушбу йўналишда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Минтақада сармоядорлар ва тадбиркорларга махсус инфратузилма билан таъминланган майдонлар керак. Шу боис, Туркистон шаҳри яқинида “Turan” махсус иқтисодий минтақаси барпо этилиб, муҳандислик инфратузилмаси билан таъминлаш мақсадида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди ушбу ҳудудга бориб, қурувчилар билан мулоқотда бўлди.

Иқтисодий минтақада бугунги кунда ёнгин кутқарув станцияси, газ, интернет тармоғини тортиш ишлари тўлиқ якунланган. Йўлнинг 1,4 қақирими асфальтланган. Уни тўлиқ 2024 йилнинг октябрь ойида фойдаланишга топшириш режаланган. Темирийўл қурилиш ишлари 40 фоизга бажарилиб, 2,1 қақиримига рельслар ўрнатилди.

Электр таъминоти ишларини 2025 йилда якунлаш режаланган. Бажарилаётган ишлар жараёни вилоят ҳокими ҳамда қурилиш бошқармаси мутахассисларининг доимий назоратида.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Асосий дон экинларидан 9,1 миллион гектардан ортиқ ғалла ва дуккакли экинлар ҳосили йиғиб олинди. 13,5 миллион тонна ғалла йиғилиб, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 14,7 центнерни ташкил этди. Бу ҳақда ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг матбуот хизмати хабар беради.

## ҒАЙРАТИНГГА БАЛЛИ, ҒАЛЛАКОР!

Шундай қилиб, 6,8 миллион гектар майдонда бугунги етиштирилиб, ҳосилдорлик гектаридан 14,1 центнерни ташкил этди, қарий 9,7 миллион тонна ҳосил олинди, арпа 1,5 миллион гектар майдонда етиштирилиб, гектаридан 16,5 центнердан 2,5 миллион тонна ҳосил кўтарилди. 136 минг гектар майдонда ёғбон экинлар етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 11 центнерни ташкил этди, 150,3 минг тонна ҳосил йиғиб олинди. 93,5 минг гектар майдондаги полиз экинларидан ҳосилдорлик 258,8 центнерга етди, ялли ҳосил 2,4 миллион тоннадан ошди.

Йиғим-терим мавсумига 149,9 мингга трактор, 37,6 мингга комбайн, 14,9 мингга ўриш техникаси ва 195 мингга турли техника сафарбар қилинди.

24.kz. маълумотлари асосида.

»» Фуқаролар қабули

Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилди. Ҳар чоршанба куні ўтказиладиган қабулда фуқароларни ташвишлантираётган масалалар муҳокама қилинди.

Навбатдаги қабулда ҳам фуқаролардан бири уйи яқинидаги қабристонни ихоталашни сўранди. Туман ҳокими ушбу масала туман ер муносабатлари бўлими томонидан ўрганилишини маълум қилди.

Яна бир фуқаро манзилли ижтимоий ёрдам олишга кўмак сўраб мурожаат қилди. Мазкур масалани аниқлаш учун туман бандлики таъминлаш ва ижтимоий дастурлар бўлими мутахассислари томонидан тегишли чоралар кўрилиши таъкидланди. Шунингдек, ерни

## МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

расмийлаштириш юзасидан шикоят қилган фуқарога вилоят ихтисослаштирилган туманлараро маъмурий судида қонун доирасида тегишли иш юритилаётганлиги айтилди.

Фуқаролардан бири уй қуриш учун Оқсувкент қишлоғи ҳудудидан ер сўради. Бугунги кунда мазкур қишлоқда бўш ер майдонлари йўқлиги сабабли унга “Электрон ҳукумат” веб-портали ёки “Фуқаролар учун ҳукумат” давлат корпорацияси орқали бошқа қишлоқ ҳудудидан ер олиш учун навбатга туриш тартиби тушунтирилди. Шунингдек, Оқбой қишлоғидаги ер масаласида судга мурожаат қилиш зарурлиги айтилди.

Шахсий қабулда Қорабулоқ қишлоғи фуқаролари Элтой бобо ва Ғафур Фулом кўчалари чорраҳасида жойлашган кушхонани ёпишга ёрдам беришни сўрашди. Мазкур масалага доир вилоят, туман ҳокимликлари, вилоят ветеринария бошқармаси ва вилоят ҳудудий инспекцияси раҳбарларига махсус хат юбориш зарурлиги уқтирилди.

Сайёр қабулда аҳолидан берилган саволларга қонун доирасида жавоб қайтарилиб, соҳа раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

Сайрам туман ҳокимининг матбуот хизмати.



Сентябрь ойи ўрталарида жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққати Қозоғистонга қаратилди. Ўтган ҳафтада мамлакатимизга Германия канцлери Олаф Шольц ташриф буюрди ва муҳим музокаралар олиб борилди. Қозоғистон Озарбайжон билан минтақавий масалаларни ҳам муҳокама қилди. Қозоғистон ўртача иш ҳақи бўйича дунёда 67-ўринни эгаллаб тургани, газ тақчиллигини бартараф этиш масаласи медиа эътиборидан четда қолмади. Батафсил қуйидаги шарҳимизда ўқий оласиз.

CentralAsia:  
Астанада Тўқоев ва Шольц музокаралар ўтказишди

Дастлаб, учрашувда Қозоғистон Президенти музокаралар кўп томонлама ҳамкорлик учун янги уфқлар очишига ишонч билдирди. Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқоев ва Германия канцлери Олаф Шольц рас-

сий делегациялар аъзолари билан тор доирада музокаралар ўтказди.

Муҳокама чоғида савдо-иқтисодий ва сармоёвий интеграцияга эътибор қаратилиб, икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш истиқболлари, шунингдек, долзарб халқаро масалалар, жумладан, геосийсий вазият ва иқлим ўзгариши муҳокама қилинди. Тўқоев Германия Қозоғистоннинг асосий

## Қозоғистон жаҳон ОАВларида

савдо ҳамкори ва етакчи сармоядорларидан бири эканлигини таъкидлади.

Report:  
Қозоғистон ва Озарбайжон минтақавий масалаларни биргалликда муҳокама қилди

Озарбайжон ташқи ишлар вазири Жейхун Байрамов ва Қозоғистон бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мурат Нуртйлеу билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот чоғида икки томонлама стратегик ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий муносабатлар муҳокама қилинди. Томонлар халқаро ташкилотлар ва кўп томонлама платформалар дои-

расидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдилар.

Муҳокама доирасида 2024-2026 йилларга мўлжалланган Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чора-тадбирлари бўйича кенгашга Озарбайжон раислигининг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Daryo:  
Қозоғистон ўртача иш ҳақи бўйича жаҳон рейтингида 67-ўринни эгаллади

Numbeoning янгиланган маълумотларига кўра, ўртача ойлик даромад бўйича 2024 йилда Қозоғистон 67-ўринни, Ўзбекистон эса 76-ўринни эгаллаган. Ўртача иш ҳақи солиқларни ҳисобга

олмаганда Қозоғистонда 580,96 доллар, Ўзбекистонда 438,04 долларни ташкил этади.

Швейцария иш ҳақи даражаси бўйича дунёда етакчи ҳисобланади, унинг аҳолиси ойига 7171,40 доллар олади. Кейинги ўринни Люксембург (6 016,94 доллар), АҚШ (4 529,78 доллар) эса кучли учликда якунлади. Шунингдек, кучли ўнталikka Сингапур, Қатар, Гонконг, Дания, Австралия, Нидерландия ва Норвегия каби давлатлар кирди.

Қозоғистон ва Россия 557 ва 50 доллар, 68-ўрин ва Грузия 491,75 доллар, 72-ўринда. Украина 82-ўринда (393,34 доллар).

Жаҳон ОАВлари маълумотлари асосида.

»» 6 октябрь – Умумхалқ референдуми куни

Маълумки, Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқоев ўзининг жорий йилги “Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик” Мактубида мамлакатимизда АЭС қурилишига доир умумхалқ референдумини ўтказишни таклиф қилиб: “Ҳозир дунёда энергия тақчиллиги кучайиб бормоқда. Элимизга ишончли ҳамда экологик тоза қувват манбалари жуда



## АЭС ҚУРИЛИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

зарур. Шу боис, биз атом энергетикасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратишимиз керак, деб ўйлайман”, деди.

Бугунги кунда барча аҳоли манзилларида атом энергетикаси қурилишини қўллаб-қувватлаш халқ штаби аъзолари иштирокида учрашувлар уюштирилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, бу ўринда ядро энергетикасининг самарадорлигини ва экологик жиҳатдан тоза эканлигини таъкидлаш жоиз. Шу жиҳатдан ҳам АЭС қурилиши лойиҳаси Қозоғистоннинг узоқ мuddатли муваффақиятли тараққиёти кафолатидир. Бу лойиҳанинг шомол ва қуёш электр станцияларига нисбатан афзаллиги амалда исботланган. Мана шу жиҳатларни эътиборга олсак, Қозоғистонда атом электр станциясини қуриш долзарб масала экани аён бўлади.




Ҳурматли ҳамюртлар! 6 октябрь куни АЭС қурилиши бўйича ўтадиган умумхалқ референдумида фаол иштирок этиб, ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни адо этайлик!

Ғанишер РАИМКҰЛОВ,  
Сайрам туман маслаҳати депутаты, туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

»» Президент Мактуби – амал дастури

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ, ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИНИ КЎЗЛАГАН ҲУЖЖАТ

Президентимизнинг Қозоғистон халқига йўллаган “Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик” Мактуби мамлакатимизнинг жорий йилги тараққиёт йўлидаги янги тамойилларни белгилаб берди.



Ҳақиқатан ҳам, Мактубда кўрсатилганидек, сўнгги беш йилда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг сиёсий тизими тубдан ўзгарди. Жамоатчилик тафаккурида ҳам туб ўзгаришлар рўй бераётганлигига гувоҳ бўлялмиш. Ҳуқуқий маданиятимиз юксалмоқда, янги қадриятлар турмуш тарзимизга кириб келмоқда. Халқимизнинг иродаси билан Адолатли Қозоғистон барпо этилмоқда. Жаҳондаги геосийсий кескинлик ортаётган даврда мамлакатимизда осойишталик ҳукм суриши, шу билан бирга иқтисодий-иқтисодий жўшқин тараққиёти давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилна ташқи сиёсатнинг мевасидир. Президентимиз фуқаролар даромадларини оширишни устувор мақсад сифатида белгилади.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, қабул қилинаётган “Ҳар бир қарор, ҳар бир лойиҳа, аввало, давлатга фойда келтириши керак”. Фуқароларимиз маблағлардан ҳам оқилна фойдаланишни ўрганиши жоиз. Ҳозир қўллаб

фуқароларнинг зиммасида бир неча кредит мавжудлиги сир эмас. Бу жамиятимиз учун хавф туғдирадиган жуда долзарб муаммо. Шунинг учун ушбу йўналишда махсус қонунлар қабул қилинди, бу молиявий саводхонлигимизни оширишга умид бор.

Кичик ва ўрта бизнесни ҳам ривожлантириш кун тартибидеги муҳим масалалардан. Иқтисодий-иқтисодий ривожлангани сари ижтимоий тенгсизликкамайиб, ўрта синф мустақамлашиб бориши талаб қилинади. Ва бу жуда тўғри жиҳат.

Мактубда эътиборга олинган масалалар ҳамда устуворликлар мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор. Барча соҳанинг тараққиётини кўзлаган сиёсий ҳужжат тамойиллари жамиятимизни ёрқин истиқбол сари бошлаши аниқ.

Салоҳиддин АНОРТОЕВ,  
«Қайнарбулоқ» ўрта мактаби директори.



»» Долзарб мавзу



Туркистон вилояти оқсоқоллар ҳайъати раиси, Жарилқасин Азиретбергенов (тасвирда) тўй ҳамда турли тантаналарни ихчамлаштириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш ҳақидаги мулоҳазаларини баён этди.

## ОҚСОҚОЛЛАР САРДОРНИНГ ТАШАББУСИ


– Бу мавзу такрор ва такрор айтилаётир. Совет Иттифоқи давридаги иқтисодий тенглик бозор муносабатлари юзага келиши жараёни жамиятимиздаги оддий одамлар ҳамда бойлар табақасини ҳам шакллантирди. Муаммонинг моҳияти шундаки, ойлик маошга кун кўраётган оддий оила ўз тўйини иқтисодий жиҳатдан анча бақувват тадбиркор ўтказган тантана даражасига етишга уриниб... пировардида, қарз гирдобига ботиб қолади. Динимиз ҳамда давлатимиз сиёсати ҳам тўй-тантаналардаги, шунингдек, таъзия маросимларидаги сунъий дабдабага қарши. Қўшни Ўзбекистонда ушбу мавзу Парламент ва Сенат даражасида муҳокама қилиниб расмий қарор қабул қилинганлиги биз учун намуна. Биз айна пайтда ушбу хужжатни синчковлик билан ўрганиб, ўзимизда, давлат миқёсида жорий этишни астойдил режалаштирмақдамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

»» Абдужамил Нурпеисов таваллудининг 100 йиллигига

## ЁШ АВЛОД УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ

Туркистондаги Айдўс Абпазов раҳбарлик қилаётган кўп соҳали индустриал-техника коллежида Қозоғистон меҳнат қаҳрамони, халқ ёзувчиси, СССР давлат мукофоти лауреати Абдужамил Нурпеисов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтди.



“Фараб” вилоят илмий-оммавий ва коллеж кутубхоналари ходимлари П. Налтаева, Г. Балқабеева ҳамда К. Метеевалар саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган маънавий тадбирда коллеж директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Н. Байсеит сўзга чиқди.

Ёзувчи ва таржимон А. Нурпеисов 1924 йили 22 октябрда Қизилўрда вилоятининг Арал туманида туғилган. УВУ фахрийси. Адибнинг машҳур “Қон ва тер” асари 1974 йили СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлган. А. Нурпеисов Туркистоннинг Қарноқ қишлоғида туғилган ўзбек

адиби Одил Ёқубовнинг замондоши, кадрдон дўсти эди. Тадбирнинг асосий мақсади ёш авлодда билим ва ўқишга иштиёқни мустаҳкамлашдан иборат эди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: А. Нурпеисов; тадбирдан лавҳа.

»» Муҳокама учун мавзу

Доноларнинг: “Фарзандингга қаерда ёрдам берсанг, у кейинчалик албатта, ўша жойда “синади”, деган гапи бор. Бугунги кунда қиз узатаётган отанинг қанда томоннинг икки-уч хонасини буюмлар билан тўлдирётгани ҳаммага маълум.

## ОҒРИҚЛИ НУҚТАЛАР

чалик қадри бўлмади. Чунки улар бу жиҳатларга биргаликда меҳнат қилиб, эришмаганлар. Ва ундан ҳам ачинарлиси, агар оила бузиладиган бўлса, биринчи бўлиб шу мол-дунё талаш бўлади. Қиз тараф олиб келган нарсаларини қайтиб олиб кетаман деса, йигит тараф, биз фалон пулга тўй қилдик, бизнинг пулимизни ким беради, деб қизнинг сепини бермаслик йўлини излашади. Муқаддас саналмиш бир оиланинг бузилиши, фарзанднинг тирик етим бўлиб қолаётгани ҳеч кимга қизиқ эмас.

бўляпман. Бунинг натижасида ажрашган оиланинг фарзандлари, ўғай ота ва онанинг тарбиясидаги болалар сони йилдан-йилга ошмоқда. Оила бузилишига келиннинг сепи ҳам бош сабаб бўляпти, деб ҳисоблаганим учун ҳам ушбу мавзунини кўтардим.

Али розияллоху анхўдан ривоят қилинади: “Расулulloх соллалoху алайҳи васаллам Фотимага бир чийдухоба, бир меш ва ичига изхир солинган болишини жиҳоз (сеп) қилиб бердилар”. Хулоса ўзингиздан.

Шухрат КўCHAROV, А. Жомий номли 24-сонли умумтаълим мактабининг ижтимоий педагоги. Жетисай тумани.

»» Бугун – Халқаро қарвонбоши куни

Тўлебий туман марказлаштирилган кутубхонасида ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг тамаддун тараққийдаги ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро анжуман 1995 йилдан буён нишонланаётган Халқаро қарвонбоши кунига бағишланди.



Анжуман иштирокчилари қадимий халқаро транспорт қон томири вазифасини бажариб, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўрта ер денгизи минтақаси каби худуд ва мамлакатларни боғлаб келган Буюк

Ипак йўлини нафақат савдо-сотик алоқаларини, балки қитъалар ва давлатлар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилган, янги технология ҳамда ишланмаларнинг тез тарқалишида, шунингдек, илм-фан ва

маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарганини ғурур билан тилга олишди. Тарих фанлари номзоди М. Жўлсеитова 1987 йил ноябрда Парижда ўтказилган ЮНЕСКО Бош конференциясининг XXIV сессиясида 10 мамлакат ташаббуси билан 1988 йилдан 1997 йилга қадар мўлжалланган кўламдор халқаро лойиҳа бўйича «Буюк Ипак йўли»ни ўрганишга қаратилган қарор қабул қилинган, бу лойиҳа Ўрта Осиё халқлари бой маданий тарихини кенг қамровда тадқиқ этганини айтди.

»» Тўйхат ўрнида

## ЧЕҲРАСИ НУРЛИ ОНАХОН

Кексаларимиз – заминимизнинг баракаси, нурунийларимиз дуолари билан эл кўкаради. Кекса авлод вакиллари эзгу ниъатлари, босиб ўтган ҳаёт йўлидан олган сабоқлари, сабрутоқати, матонати билан ёшларга ибрат бўлмоқда.



Шимкент шаҳрининг ҳам Енбекши туманига, шу билан бирга Тўлебий туманга қарашли Илонбузган мавзесининг пиру-бадавлат, кайвони онахонларидан бири яқинда 90 ёшни қаршилаган Тожибуви Дўсमतова шундай ибратли онахонлардан.

Онахоннинг кўрган-кечирганлари улкан ҳаёт мактабидир. Ундан олинмаган ҳар бир ўғит ҳақиқий ҳикмат.

Қаҳрамонимиз болалигида етимликнинг оғир юқини кўтарган. Оила қургандан сўнг ҳам қисмат уни аяб ўтирмади. 36 ёшида етти нафар фарзанд билан қолган аёл “Қазигурт” давлат хўжалигида меҳнат қилди. Бироз йиллардан сўнг боғчага ишга жойлашди. 5 қиз 2 ўғилни олий маълумотли қилиб, эл қорига камарбаста инсонлар сифатида вояга етказди. Жисмонан бақувват ўғлонлар ҳам ундай олиши машаққат бўлган вазифани нозик, лекин руҳи юксак она шараф билан адо этди, ҳавас қилгулик даражада ундади. Бобоси изидан бораётган неваралар эваралари авлодларининг зиёлилари сафига қўшилди. Қўбил фарзандлар эл дуосини олиб, отасининг хайрли ишларини давом эттиришмоқда.

– Баракали умр кўришингизнинг сир-асрори нимада? – дейман онахонга.

– Тўққиз нафар фарзанд кўрдим, чирогим. Икки нафари болалигидаёқ оламдан ўтишди. Етти фарзандимнинг камолини кўриш насиб этди. Аллоҳнинг қисматиға рози бўлиб, бизга тақдир қилган хур фикрли инсонлардан миннатдор бўлиб, кўрсатган кунга шўқроналик туйғуси билан яшашга интилдик. Аллоҳ, чиндан ҳам хонадонимдан нури ва баракасини аямади. Қизларим ҳамда ўғилларим севган касбининг усталари бўлишди. Невара, эвараларимнинг ҳисобини тўғриси, билмайман. Кейинги йилда кўзим сал хиралашди. Бир йил оқдин ҳам газетангизни узмай мутолаа қилардим. Айниқса, тўлебий-



ликлар тўғрисида мақолаларни қизиқиб ўқирдим.

Ҳар сўзида “қароғим”, “чирогим” деб мурожаат қилишга одатланган онахон фарзандлари билан жамул жам умра сафарига бориб, юртимизга осойишталик ва барака тилаб келиш бахтига муяссар бўлди. Ой сайин буюк ибодатда йўлдош бўлган ҳамюртлари билан тўп-давом эттиришмоқда.

– Онам 13 ёшида ота-онадан етим қолган, – дейди Тожибуви аянинг ўғли Илонбузган даҳасининг бийи Олимжон Дўсमतов. – Уч нафар ука-сингилларига бош бўлиб, уларни ҳам вояга етказган. Катталар сингари меҳнат қилиб, оила тебратишга мажбур бўлган.

тайёр қилиб тураман. Белларим оғир қоп кўтаришдан оғирди, қўлларим қавариб кетарди. Бироқ начора, ахир мени уйда ука-сингилларим кутишяптику, мен ҳам рўзгор тебратишим керак эди-да. Бир куни бир кекса ишчи менинг қалиш тўлдирилган қопларни ариқнинг у томонидан бу томонига кўтариб бораётганимни кўриб, менга раҳми келди, чоғи, менга қараб “болам, бундай қалиш кўтариб юрмагин, ундан кўра, биз билан қўшилиб,

ариқ чопишни ўргангин”, деб маслаҳат берди. Ўша киши менга ёрдам бериш мақсадида, ҳам ўзини, ҳам менга ажратилган ариқни қора терга тушиб чопарди. Менга, ука-сингилларимга ёрдам бериб, хайри иш қилди. Ўша инсондан миннатдорман. Бироз йиллардан сўнг боғчага ошпаз бўлиб ишга жойлашдим. Нафақага ҳам боғчадан чиқдим.

Онахоннинг қизлари ҳам савдо, тиббиёт соҳасида, тадбиркорликда фаолият юритишса, ўғли Олимжон тадбиркорлик билан шўғулланиб, ўзбек этномаданият бирлашмасининг фидойилари, турли тадбирларида кам таъминланган ҳамюртларидан саховатини аямапти. Ўғли Алишер Гулистон шаҳридаги университетда ректор бўлиб ишлади. Биология фанлари номзоди, айна кунда “Султонработ” ўрта мактабда кимё-биология фани муаллими.

Шундай зиёлилар авлодининг етакчиси, зиёлилар буювжониси, эзгулиги билан юртга намуна аяга нурли, саодатли кунлар, соғлиқомонлик тилаб хайрлашдик.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – ТАМАДДУН САРЧАШМАСИ

маданият, давлатларнинг иқтисодий юксалиш йўли, бир сўз билан айтганда тараққийт йўлидир. Шунингдек, минтақа давлатларининг иқтисодийетини янги босқичга кўтаришга, халқларнинг фаровонлигини ошириш, одамларни тараққийтнинг янги меваларидан баҳраманд этиш имконини яратди.

\*\*\*

Халқаро қарвонбоши куни муносабати билан Ленгер шаҳрида вилоятимизда сайёҳлик кластерини ривожлантиришга бағишланган анжуман ўтди. Унда сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирок этиб, вилоятимизнинг туризм соҳасидаги самарали ҳамкорлигига хулоса ясашди.

Меҳмонлар маҳаллий аҳолининг бой маданияти ва турмуши, урф-одатлари, қадимий масканлари, тарихий обидалари, манзарали табиати тасвирланган суратларни томоша қилишди.

### ЭЛНИ ЭЛГА УЛАГАН ЙЎЛЛАР ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Кўп манбаларда VIII-XIII асрларда хўнармандчилик, савдо-сотик, савдо йўллари, деҳқончилик, қўрилиш ишларининг авж олганлиги, улардаги

меъморий ёдгорликлар, бозорлар, ободончилик ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Марказий Осиёда илк уйғониш даврида, яъни IX-XII асрларда ягона дин – ислом туфайли катта худуд – Яқин ва Ўрта Шарқда турли халқлар, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг ривож топиши, маданият, маънавиятда маълум умумийлик вужудга кела боғгани, аввалги «Ипак йўли» аҳамиятининг юксалиши, мамлакатлараро савдо-сотик, хўнармандчиликнинг кўпайгани, шаҳарларнинг тараққийтига гувоҳ бўламиз.

Кейинги пайтларда фақат Европа мамлакатларига эмас, балки АҚШ ҳам «Буюк Ипак йўли» лойиҳасига қизиқиш билан қарамоқда. АҚШ Сенати томонидан ҳозирланган «Буюк Ипак йўли – XXI аср» қонун лойиҳаси фикрими дэлилидир.

Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг ташаббуси билан дунёга чиқадиган йўлларни кўпайтиришдан мақсад мамлакатимиз иқтисодий раванқини таъминлаш ва пировардида халқимиз ҳаётини фаровонлаштириш, республикамизнинг жаҳондаги илгор давлатлар сафидан ўрин олиши учун мустаҳкам замин яратишдан иборат.

А. АБДУФАТТОХ.



## ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИ – МИЛЛАТ ТАРБИЯСИ

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги 101-сонли умумтаълим мактабида туман таълим бўлими ҳамда туман ҳокими ўринбосари М. Алиповнинг курсатмасига биноан “Диний экстремизм ҳамда терроризмнинг олдини олиш”, “Зўравонликсиз болалик” мавзуларидаги тадбирларни ўтказиш ҳамда гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш, ўқувчилар ўртасида эрта ҳомиладорликнинг олдини олиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида мутахассислар иштирокида ййгилиш ўтказилди.



Қизлар учун алоҳида ўтказилган тадбирда руҳшунос М. Остонова ҳамда мактаб ҳамширалари Д. Эшонқулова, Қ. Исоқова, ўқувчи қизлар кўмитасининг раисаси М. Қурбонбоевалар иштирок этиб, фикр алмашиб, саволларга жавоб беришди.

Тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари М. Остонова қизлар тарбияси, мактаб либоси, интизом ҳамда тозаликка оид мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Мактаб Парламентининг ўзини ўзи бошқарув ташкилоти аъзоси, Дебат ҳаракати фракцияси вазири Х. Одилбе-

кова ҳамда бошқа фаол ўқувчилар ўзаро фикр алмашиб, тарғибот ишларини муттасил юритиш учун “Сирлашув клуби” ишларини мунтазам олиб боришга келишиб олишди.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

### »» «Сайрам талантилари – 2024»

20 йилдан зиёд тарихга эга “Сайрам талантилари – 2024” санъат фестивали кўплаб истеъдод соҳибларини элга танитди. Шу кунларда навбатдаги санъат байрамнинг пардаси кўтарилиб, Қурманбек Жандарбеков номидаги туман Маданият уйида рақс жанри бўйича саралаш босқичи ўтди.

Мақсад – рақс санъатини кенг миқёсда ривожлантириш, маънавий бойлигимизни ёш авлодга тараннум этиш, ёшлар онгига миллий тарбияни синдириш, ўз халқининг ва бошқа халқлар маданиятини ўрганиш, санъат соҳасидаги ютуқларни тарғиб қилиш, уни ривожлантиришга ҳисса қўиш, ижодий иштиёқ ва эстетик дидни оширишдан иборат эди.

Қизиқарли ва беллашувларга бой мусобақада қишлоқлардаги таълим муассасаларининг рақс жамоалари иштирок этиб, омадларини синашмоқда.

З. АҲМАДЖОНОВ.

## РАҚҚОСАЛАР ТАНЛОВИ



## АРАЛАШ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИ КУЧ СИНАШДИ



Тўлебий туманидаги аралаш мактаблар ўқитувчилари ўртасида давлат тилининг кўлланиш доирасини кенгайтириш мақсадида “Давлат тилини билиш – бурчим!” мавзуида танлов ташкил этилди.

Танловнинг биринчи босқичида иштирокчилар қозоқ тилида иншо ёзишди. Иккинчи босқичда халқнинг урф-одатлари, тарихи ва маданияти ҳақидаги саволларга жавоб беришди.

Натижада “Йилонбузган” умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Комила Муҳаммадҷонова галаба қозонди ва

вилоят танловига йўлланма олди. 2-ўринни “Жеңіс” умумтаълим мактабининг математика ўқитувчиси Раъно Юсупова, 3-ўринни П. Тажибаева номидаги 3-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Шаҳноза Юнусметова қўлга киритди.

С. МИРЗО.

### »» Заковатли миллат

## “Қишлоққа китоб” лойиҳаси амалда

### ҚАРНОҚ ҚИШЛОҒИ МАКТАБЛАРИГА МИНГДАН ЗИЁД КИТОБЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ



Туркистон вилояти “Фуқаролик альянси” жамоат бирлашмаси раҳбари, вилоят маслаҳати депутати, фаол обуначимиз Инара Абдуғаппар қизининг таклифи билан Қарноқ қишлоғига ташриф буюрдик.

“Фуқаролик альянси” жамоат бирлашмаси фаол вакили, қарноқлик Насиба Нуриддинованинг ташаббуси билан Алматы, Жетису ҳамда Туркистон вилояти мактабларини қозоқ, рус, инглиз тилидаги бадиий адабиётлар билан беиннат таъминлаётган “Комунитиплюс” жамоат жамғармаси мутасаддиси Элмира Карманова Қарноқ қишлоғидаги мактабларга мингдан

зиёд бадиий адабиётларни тақдим этди.

Хусусан, Мансур Матмудинованинг ташаббуси билан Алматы, Жетису ҳамда Туркистон вилояти мактабларини қозоқ, рус, инглиз тилидаги бадиий адабиётлар билан беиннат таъминлаётган “Комунитиплюс” жамоат жамғармаси мутасаддиси Элмира Карманова Қарноқ қишлоғидаги мактабларга мингдан

ўринбосарлари Умида Эргашева, Рўзйобой Ҳасанов, кутубхоначи Мақсуда Юсупова ҳамда икки мактабдаги аълочи, китобсевар ўқувчилар ўзаро мулоқот чоғида “Комунитиплюс” жамғармаси вакили Элмира Карманова ва ҳамқишлоқлари Насиба Нуриддиноваларга аjoyиб китоблар учун самимий миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: “Қарноқ” ва “Чоштёпа” мактаблари кутубхоналарида.

Муаллиф суратга олган.



### »» Ойнама

## ЮРТИМИЗГА МЕЗОН ТАШРИФ БУЮРДИ

МЕЗОН – ЎЗБЕКЧА – ТАРОЗИ, ФОРСЧА – ТАРОЗУ, РУСЧА – ВЕСЫ, АРАБЧА – МЕЗОН.  
МУДДАТИ – 22 СЕНТЯБРДАН 20 ОКТЯБРГАЧА, 29 КУН.  
ШУ МУДДАТ ОРАЛИҒИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР БУРЖ ҲИСОБИДА МЕЗОНДИР.



Ҳижрий – шамсий йил ҳисобига кўра, мезон буржи бодийнинг (яъни, куз) биринчи ойи саналади. Эрта саҳар тонг қоронғусида само ёритқичларига нигоҳ ташласангиз, Қуёш йўлининг 180-210 даражаларида турувчи Тарози юлдузлар туркуми осмон гумбазининг қоқ ўртасида чарақлаб туради. Мезон дохил бўлган пайтда кеча билан кундуз тенг – 12 соатдан бўлади. Ой давомида ўртача ҳарорат 16-20 даражани ташкил этади. Баъзи йилларда табиат бу қоидага ўзгартишлар киритиши, яъни, ҳаво анча иссиқ ёки аксинча, совуқ келиши ҳам мумкин. Умуман, мезонни ёз билан қиш ўртасидаги аросат, дейишган қадимгилар.

МЕЗОН кириши билан табиат оламида ўзига хос ўзгаришлар юз бера бошлайди. Вақти-вақти билан осмонда ипаксимон оппоқ тоғлар уч бослайди. Мезон пахтаси, дейди уни халқимиз.

МЕЗОН шамоли ва офтобиде айниқса, ҳикмат кўп. Шу боис тадбиркор деҳқонлар таомилга кўра, қишга сақланадиган олма, нок, нашвати, анор ва бошқа мевалар, қоғоқ ва қовун-тарвузларни мезон шамоли егандан сўнггина ййгиб олишади.

МЕЗОНда кун ва тун тенглашган паллада юртимизда ҳосил байрами – МЕҲРЖОН кенг нишонланади.

Хайрулла ҚОСИМОВ.  
“Фасллар хосияти” китобидан.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

#### Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.  
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулқибой – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригорач – Малика ЭЛТӨЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.  
KZ34VRY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-press” МЧБ босямоҳонасида chop этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Буюртма:  
2329.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11200 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.